

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА ШОҲИСТАХОН ҚУДРАТУЛЛАЕВНА

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАИШИЙ
ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
По филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Шамсиева Шохистахон Қудратуллаевна

Хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг
лингвомаданий тадқиқи..... 3

Шамсиева Шохистахон Қудратуллаевна

Лингвокультурологическое исследование бытовых эвфемизмов в
китайском и узбекском языках..... 25

Shamsieva Shokhistakhon Qudratullaevna

Linguacultural research of household euphemisms in Chinese and Uzbek
languages..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМСИЕВА ШОҲИСТАХОН ҚУДРАТУЛЛАЕВНА

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАИШИЙ
ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil900 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashguv.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабаев Хамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Носирова Саодат Абдуллаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тадқиқот ишлари тарихий-қиёсий, систем-структур ҳамда антропоцентрик йўналишларда кенг кўламда олиб борилаётганлиги тилнинг табиатини теранроқ тадқиқ қилиш имконини бермоқда. Ҳар бир миллий тилдаги лексик, фразеологик ва грамматик бирликларни қиёсий аспектда ўрганиш орқали қиёсланаётган тилларнинг ўзларига хос бўлган, шунингдек, уларнинг умумий жиҳатларини аниқлаш билан қиёсий тилшунослик соҳалари ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб дунёда қариндош ва қариндош бўлмаган тилларни қиёслаб ўрганишда тилшуносликнинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Қиёсий аспектдаги тадқиқотларда қиёсланаётган тиллардаги фонемалар ва фонетик ҳодисалар, лексик ва фразеологик бирликлар, грамматик бирлик ва улар ўртасидаги синтактик алоқаларни ўзаро таққослаш натижасида хулосаларга келинади. Айниқса, тиллардаги лексик ва фразеологик бирликлар қиёсан ўрганилганда бу тил эгалари бўлган халқларнинг миллий маданияти, этник тарихи, урф-одат ва анъаналари аниқ намоён бўлади. Лексик-фразеологик бирликлар билан ифодаланадиган эвфемия ҳодисаси ва эвфемизмлар ҳам халқнинг миллий менталитетини, этнографиясини, қадриятларини ўзида сақлаб келади. Шу сабабли замонавий тилшуносликда эвфемизмларни лингвопрагматик, лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатдан ўрганишга диққат қаратилмоқда, эвфемия тил ва халқ табиатини акс эттирадиган лингвистик ҳодиса сифатида баҳоланмоқда.

Замонавий хитой ва ўзбек тилшуносликларида, тилни, хусусан, лексикани семантик, лингвомаданий жиҳатдан ўрганишга диққат қаратилмоқда. Хитой тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам эвфемизмларнинг келиб чиқиши, семантикаси, қандай тил бирликлари билан ифодаланиши борасида илмий ва амалий ишлар бажарилган, бироқ хитой ва ўзбек тилларидаги эвфемизмлар чоғиштириб ўрганилмаган. Шарқ маданиятининг гавҳарлари ҳисобланган хитой ва ўзбек халқлари ўзига хос менталитет ва дунёқарашга эга бўлса ҳам, уларнинг тилларида ўзаро яқин, ўхшаш мавзудаги эвфемизмлар мавжуд. Бундай эвфемизмларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш натижасида хитой ва ўзбек тилларининг ўзига хос, айна пайтда, ҳар иккиси учун умумий, яқин жиҳатларни аниқлаш имкони туғилади. Пировардида хитой ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий ва маънавий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилади. Шу жиҳатдан хитой ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг семантик ва лингвомаданий тадқиқи долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғриси»ги Фармонлари ПФ-6084-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2909-сон, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4680-сонли Қарорлари ҳамда бошқа меъриё-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг илғор тилшуносликларида эвфемия ҳодисаси ва унинг ифодаловчиси бўлган эвфемизмлар дастлаб лексик-семантик ва структур-стилистик жиҳатдан ўрганилган. Жумладан, инглиз, америка, чех, немис, француз, рус, хитой тилшуносликларида ҳам шундай аспектдаги тадқиқотлар бажарилган. Ўз тадқиқотлари билан эвфемашуносликка катта ҳисса қўшган тилшунослар сифатида Ж.Вандриес, Н.Бердова, В.Фромкин, Р.Родман, Е.Торопцева, Е.Сеничкина, Р.Кейес, У Цзячжэнь (吴家珍), Хуанг Боронг (黄伯荣), Ван Сицзе (王希杰), Ли Цзюньхуа (李军华), Шу Динфан (束定芳) кабиларни кўрсатиш мумкин¹.

Жаҳон тилшунослигига интеграциялашаётган ўзбек тилшунослигида ҳам эвфемия ва унинг ифодаловчиси бўлган эвфемизм юзасидан муайян тадқиқотлар қилинган. Ўтган асрнинг 60-йилларида мазкур мавзу илк бор Н.Исматуллаев томонидан ишланган эди². Кейин А.Омонтурдиев³, Х.Қодирова⁴, Д.Рустамова⁵ ўрганди. Шунингдек, луғат, дарслик, қўлланма ва монографияларда эвфемия ҳақида фикр билдирилди.

Лингвистикада эвфемизмлар бир тил мисолида ҳам, икки ва ундан ортиқ тиллар мисолида ҳам ўрганилган. Хусусан, Е.Голованова француз ва рус

¹ Вандриес Ж. Язык: лингвистическое введение в историю: пер. с фр. / под ред. и с предисл. Р. О. Шор. – М.: Гос. соц.-экон. изд-во, 1937; Бердова Н.М. Эвфемизмы в современном немецком языке: Дисс...канд.филол. наук. – Киев, 1981; Fromkin V., Rodman R. An Introduction to Language. Harcourt Brace College Publishers, 1993; Торопцева Е.Н. Эвфемистические наименования в аспектах языка, истории и культуры: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2003; Сеничкина Е.П. Семантика умолчания и средства ее выражения в русском языке: Дисс...д-ра. филол. наук. – М., 2003; Keyes R. Euphomania: Our Love Affair with Euphemisms. N. Y. – Boston – L.: Little, Brownand Company, 2010; 黄伯荣、现代汉语{M}北京: 高等教育出版社, 2004; 王希杰、汉语修辞语(修订本){M}商务印书馆。2004; 李军华。汉语委婉语研究。中国社会科学出版社。2010; 束定芳。认知语言学研究方法、研究现状、目标与内容。2017。

² Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф.дисс. канд. Филол.наук. – Ташкент, 1964.

³ Омонтурдиев А.Ж. Эвфемистик ҳодисаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997; Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009.

⁴ Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм вадисфемизмданфойдаланишмаҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011.

⁵ Рустамова Д. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: Филол. фан. б. фалс. д-ри ... дисс. автореф. – Фарғона, 2017.

тилларидаги табуланган соматизмлар эвфемизациясини⁶, Н.Тишина инглиз ва рус тилларидаги эвфемизмларнинг миллий-маданий хусусиятларини⁷, Л.Порохницкая инглиз, немис, француз, испан ва итальян тиллари материаллари асосида эвфемиянинг концептуаллашувини⁸ ўрганган, қиёсланган тиллар материаллари орқали бу тил эгаларининг маданияти, дунёни билиш тарзи бўйича хулосалар чиқарилган.

Эвфемизмлар қандай йўл билан ҳосил бўлиши, нутқ услубларида қўлланишига кўра ҳам фарқ қилади. Шу жиҳатдан тадқиқотчилар эвфемизмларнинг бадиий тил ёки газеталар тили, сиёсий ёхуд дипломатик дискурда бажарадиган вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, рус тадқиқотчиси Е.Темирбаева АҚШда нутқий коммуникацияда сиёсий эвфемизмларнинг ҳосил бўлиши ва сиёсий дискурдаги лингвистик вазифалари муаммосини⁹, Е.Кипрская эса сиёсий эвфемизмларнинг публицистик дискурда асл воқелик ҳақидаги маълумотларни пардалаш, яшириш вазифаларини¹⁰ бажаришини ўрганган.

Етакчи тилшуносликларда эвфемиянинг лингвопрагматик, лингвориторик, лингвокультурологик ва гендер хусусиятлари ҳам тадқиқ қилинган. Бу борада А.Ҳорак, О.Цидендамбаева, Л.Савватеева, Т.Бушуваларнинг тадқиқотлари жуда муҳим¹¹. Ўзбек тилшунослигида эвфемизмларнинг гендер хусусияти – аёллар ва эркеклар нутқи эвфемизмларни қўллаш жиҳатидан фарқланиш, аёл ва эркек жинсига нисбатан фарқли эвфемизмлар Д.Рустамова томонидан аниқланган¹². Демак, эвфемизмлар прагматик муҳит ва сиёсий дискурда қўлланиши ва миллий-ментал, гендер жиҳатидан ҳам муҳим лисоний вазифаларни бажаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги йўналишида бажарилган.

⁶ Голованова Е.Ю. Эвфемизация табуированных соматизмов на материале французского и русского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2005.

⁷ Тишина Н.В. Национально-культурные особенности эвфемии в современном английском и русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006.

⁸ Порохницкая Л.В. Концептуальные основания эвфемии в языке (на материале английского, немецкого, французского, испанского и итальянского языков): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2014.

⁹ Темирбаева Е. К. Политические эвфемизмы в речевой коммуникации США: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1992.

¹⁰ Кипрская Е.В. Политические эвфемизмы как средство камуфлирования действительности в СМИ (на примере конфликта в Ираке 2003–2004 гг.): Дисс. ... канд. филол. наук. – Киров, 2005.

¹¹ Horak A. L'Euphémisme entre tradition rhétorique et perspectives nouvelles. – Muenchen: Lincom Europa, 2010; Цыдендамбаева О.С. Эвфемистическая картина мира: концептосфера «человек»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2011; Савватеева Л.В. Идеи политкорректности и их воплощение в современном лингвориторическом пространстве: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2008; Бушueva Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Смоленск, 2005.

¹² Рустамова Д. Кўрсатилган автореферат.

Тадқиқотнинг мақсади хитой ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг ҳосил бўлиш сабаблари ва шаклланиш манбалари, маиший эвфемизмларнинг қандай концептларда юзага чиқишининг лингвомаданий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг қайси концептлар доирасида намоён бўлишини очиб бериш;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини ёритиш;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг семантик хусусиятларини аниқлаш;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг лингвомаданий тадқиқи орқали ҳар икки халқ дунёқарашининг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатлар юзасидан хулосаларга келиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмлар олинган. Тадқиқотни ёритишда хитой ва ўзбек ёзувчиларининг асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предметини хитой ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларнинг семантик хусусиятларини лингвомаданий жиҳатдан очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда тарихий-қиёсий, чоғиштирма-типологик, тавсифлаш, таснифлаш, лингвокультурологик, этнолингвистик ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

эвфемизмларнинг ижтимоий-тарихий, маданий ва миллий-меъёрий мезонлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асосланган;

хитой ва ўзбек тилларида маиший эвфемизмларнинг табуланган, маданий мулоқот талабига жавоб бермайдиган тил бирликларини алмаштириш ҳамда манипулятив вазифа бажариш тақозоси билан юзага келиши далилланган;

эвфемиянинг ишора қилиш, ирония, нутқий энантиосемия сингари ёндош ҳодисалардан фарқли хусусияти аниқланган;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг касб-кор, ўлим, касаллик, аёл ва аёллик, жинсий ҳаёт, кексалик каби концептлар доирасида шаклланишининг лингвомаданий хусусияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертация натижалари хитой ва ўзбек халқлари ўртасида ижтимоий-маданий алоқаларнинг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилади;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг лингвомаданий тадқиқи орқали бу халқлар дунёқарашининг ўзига хос ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида хулосаларга келинади;

хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларнинг луғатини тузиш имкони пайдо бўлади;

Ўзбек шарқшунослиги янги лингвистик тадқиқот билан бойийди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, хулоса ва натижаларда аниқ илмий манбаларга таянилгани, чиқарилган илмий хулосаларнинг тавсифий, қиёсий, лингвомаданий таҳлилларга таяниб асослангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хитой ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларнинг шаклий-мазмуний томонлари аниқлангани, хитой ва ўзбек тиллари лексикасида эвфемизмларнинг ўрни юзасидан хулосаларга келингани, хитой ва ўзбек тилларини чоғиштириб ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларга муҳим илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент давлат шарқшунослик университетининг хитойшунослик факультети ҳамда олий ўқув юрларининг филология факультетлари талабаларига махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, «Қиёсий тилшунослик», «Таржиманинг лингвомаданий аспекти», «Хитой тили лексикологияси», «Маданиятлараро мулоқот» каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитой ва ўзбек тилларидаги маиший эвфемизмларни лингвомаданий тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар ва хулосалар асосида:

табу-тақиқ ифодаловчи эвфемизмлар, хусусан, рақамларнинг қўлланишидаги табулар, вазн билан боғлиқ табулар ҳамда кексаликка бўлган турли муносабатларни ёритишга оид хитой ва ўзбек тилларидаги материаллардан А 1-180 «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4308-сон маълумотномаси). Ҳар икки тилдаги эвфемик универсалияларнинг мавжудлиги хитой ва ўзбек халқларининг маданияти, ахлоқий дунёсида яқинлик ҳамда ўхшашликларни ойдинлаштиришга ёрдам берган. Шунингдек, таржиманинг лингвомаданий хусусиятларига оид муаммоларни аниқлашда хизмат қилган;

хитой ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг таснифи, қўлланилиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларига оид тадқиқот натижаларидан Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети Академик тадқиқотлар бўлими лойиҳалари бўйича 10301-202000205 «Масофавий таълимни ташкиллаштириш ва ислоҳ қилиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети 2020 йил 6 июндаги 10301-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети (Minzu university of China)да ўзбек тили ва маданиятини ўқитиш, ҳамда хитойликлар учун «Ўзбек тили» дарслиги тайёрлашда хизмат қилган;

тадқиқотдаги эвфемизмларнинг табуланган тушунчани алмаштириш, манипулятив вазифа бажариш хусусиятига доир хулосалар, касб-кор, ўлим,

касаллик, аёл ва аёллик, жинсий ҳаёт билан боғлиқ эвфемизмлар ҳақидаги қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон-Хитой фан ва таълим, маданият соҳалари бўйича «Бир макон, бир йўл» халқаро лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 01-12-03-3777-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг «Бир макон, бир йўл» халқаро лойиҳасига татбиқ этилиши маиший эвфемизмларнинг маданиятлараро мулоқот доирасида оммалаштирилишига хизмат қилган;

эвфемизмларнинг тилнинг эстетик вазифасини кучайтиришдаги ўрни хусусида олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» телеканалининг «Тилга эътибор – элга эътибор» кўрсатуви, «O‘zbekiston 24» радиоканалининг «Маданият» эшиттириши сценарийларини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma’rifat» телеканали ДУКнинг 2020 йил 22 сентябрдаги 01-16-352-сон ҳамда «O‘zbekiston 24» радиоканали ДУКнинг 2020 йил 21 сентябрдаги 03-09-426-сон маълумотномалари). Олинган натижалар татбиқи кўрсатув ва эшиттиришнинг илмий далилларга бой ва оммабоп бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (4 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эвфемизмларнинг шаклланиши ва назарий асослари**» деб номланган 1-бобида эвфемиянинг универсал лингвистик ҳодиса эканлиги, эвфемизмларнинг ҳосил бўлиши, жаҳон лингвистикасида ўрганилиши, хитой ва ўзбек тилларида эвфемияни воқелантирувчи воситалар ҳамда эвфемияга нутқий ёндош ҳодисалар тадқиқ қилинган.

Бугунги глобаллашув даврида дунё тилшунослигида тил ва маданият¹³, тил ва этнос, тил ва этник ўз-ўзини англаш¹⁴ каби йўналишлардаги тадқиқотларнинг сони ҳам, салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Халқнинг маданий, рухий олами билан боғлиқ бўлган эвфемия ва унинг лисоний ифодаловчиси эвфемизмлар ҳам ўзида халқнинг этнопсихик оламини, билиш тарзини акс эттиради. Шунинг учун ҳам эвфемизмлар ҳеч вақт тил эгаларининг ақлий ҳамда рухий олаmidан алоҳида ҳолатда пайдо бўлмайди. Улар нутқда тил эгаларининг юқорида айtilган хусусиятларини, миллий-маданий воқеликни тасвирлашга, халқ лингвомаданиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Эвфемизмнинг пайдо бўлиши, аввало, табу билан боғлиқ. Табу сўзи тонга тилидаги <тапу<та – «белгиламоқ», «ажратмоқ» ва ри – «бутунлай» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «бутунлай ажратилган», «алоҳида белгиланган», «ман этмоқ, тақиқламоқ» маъноларини англатади¹⁵. Халқ тасаввурида, мифологик дунёқарашида зарар етиши мумкин бўлган бирор нарса бўлади ва зарар етказиши мумкин бўлган шу нарса (у касаллик, бирор хашарот ёки ҳайвон бўлиши мумкин)нинг номини айтиш тақиқланади. Худди тақиқланган сўз ишлатиладиган бўлса, зарар етади деб ўйланади. Шу боис ибтидоий қабилаларда вафот этган кишининг исми қайтиб бошқа болага исм сифатида қўйилмаган. Гўё марҳум исми қўйилса, бола узоқ яшамайди, ёвуз кучлар болага зарар етказади, деб тушунилган.

Ўзбек халқида ҳам, рус халқида ҳам, хитой халқида ҳам, умуман, кўплаб лингвомаданиятларда қадимдан турли ҳайвонлар, табиат ҳодисаларининг номини табулаш учрайди. Масалан, Р.Кейес, А.Реформатский ва О.Пастуховаларнинг фикрича, Европанинг шимолий қисмида яшовчи халқларда азалдан айиқ номини айтиш тақиқланган. Шу муносабат билан айиқ турли эвфемизмлар билан атаб келинган: *асал ейувчи* (honey eaters), *яловчи* (lickers), *бобо* (grandfathers) каби. Рус тилида *медведь* сўзининг ўзи ҳам «жигарранг» маъносидаги эвфемик терминдан келиб чиққан, кейинчалик бу сўз ҳам табулашган ва айиқ «хозяин», «зверь», «ломака», «мохнач», «потапыч», «лесник», «он» эвфемизмлари орқали ифодаланган¹⁶. Эътибор берилса, ушбу эвфемизмларнинг семантикасида айиққа нисбатан салбий ифода, баҳо йўқ, балкиунинг кучлиги, хўжайинлигига ишораларбор.

Эвфемизм юзага келишининг кейинги омили маданий мулоқот анъаналарининг шаклланиши ва бунинг лингвистик воситалардан фойдаланишга таъсири билан боғлиқ. Чунончи, муомала маданиятининг юксалиб бориши натижасида одамлар кўпол ва дағал оттенкали сўз ва ибораларни қўллашни одоб қоидаларига хилоф билиб, бундай бирликлар

¹³ Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996; Макарова Е.Ю. Язык как основа этнической культуры: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Волгоград, 2006; Маслова Ю.В. Лингвокультурология. Введение. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2019.

¹⁴ Арутюнов С.А., Багдасаров А.Р. и др. Язык. Культура. Этнос. – М.: Наука, 1994; Дербишева З. Язык и этнос. – М.: Флинта, 2018.

¹⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B0%D0%B1%D1%83>

¹⁶ Keyes R. Euphomania: Our Love Affair with Euphemisms. – Boston, 2010. – P.45; Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М.: Наука, 1967. – С. 99-100; Пастухова О.Д. Об эвфемизмах и табу // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов, 2017. №11 (77). – С.142.

ўрнида камида нейтрал ва ижобий оттенкали синонимларни ишлата бошлаганлар. Мисол учун, инглизлар «toilet» тушунчасини *rest room, bathroom, WC*, хитойликлар 盥洗室 *guànxǐshì*, 洗手间 *xǐ shǒu jiān*¹⁷, ўзбеклар *халажой, чет*, уйғурлар *истинжа хана, таһарәтжәй, қол йуйуш өйи*, руслар *уборная, нужное место, дальний восток* ва ҳ.к. сўзлар билан атайдилар.

Жамият аъзоларининг нутқий маданияти ва малакаси ошиб бориши билан мавжуд эвфемизмлар эвфемик вазифани бажаролмай қолмоқда, тушунчадаги дағаллик, кўполлик ёки уятлилик юзага чиқиб қолмоқда ҳамда бошқа эвфемизмлар билан аталмоқда. Чунончи, ўзбек тилида *бўғоз* сўзи маданийлик мулоқот талабига мос келмай қолган вақтда бу тушунча *иккиқат* сўзи билан ифодаланган. Вақт ўтиб, ўзбек лингвомаданиятида *иккиқат* сўзида ҳам кўполлик – уятлилик бор деб қабул қилина бошлаган. Сўнг унинг ўрнида *ҳомиладор* сўзини қўллашга ўтилган. Ҳозирги кунда ушбу сўзда ҳам яширилган дастлабки белгиси намоён бўла бошлади, шунинг учун *ҳомиладорлик* тушунчасини янада пардалаш, ифодани силлиқлаш мақсадида *оғироёқ* сўзи қўлланмоқда.

Жаҳон лингвистикасида, хусусан, инглиз, француз, немис, чех, рус, хитой, ўзбек сингари пешқадам тилшуносликларда эвфемизмлар масаласини ўрганиш бошланганига кўп вақт бўлган. Ушбу ҳодисани ифодаловчи бирликлар ҳақида фан тарихида биринчи марта америкалик тарихчи ва лексикограф Томас Блаунт маълумот берган. Унинг «Глоссография» асарида «ёмон сўзни яхши ёки ундан афзалроқ талқин қилиш»¹⁸ эвфемизм деб аталади. Аммо Т.Блаунт тарихчи бўлгани учун мазкур лингвистик ҳодиса табиатини чуқур билмаган. Америка тилшуноси П. Ховардга кўра, «эвфемизм – кўпол, беадаб, ножоиз ифодалар ўрнига юмшоқ, оғир ботмайдиган ифодалардан фойдаланиш ҳодисаси»¹⁹ дир. М.Абрамс фикрича, эвфемизмлар «уятга қўйиши ёки ноқулай ҳолатга солиши мумкин бўлган бирликлар ўрнида қўлланадиган зарарсиз ифодалар»²⁰ дир. Биз П.Ховарднинг эвфемизмни лисоний ҳодисага тенглаштиришини маъқулламаймиз.

Француз тилшунослигида Й.Мейе ва Ж.Вандриеслар биринчилардан бўлиб бу лисоний муаммога эътибор қаратганлар. Масалан, Ж. Вандриес фикрича, эвфемизм ифодага ижобий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан қўлланади, бундай қайта номлашнинг пайдо бўлиши тақиқланган луғат составини силлиқроқ ва маданийроқ шаклда ифодалаш талаби билан бўлади²¹. Бу фикр тўғри, аммо Ж.Вандриес айтганидек, бундай қайта номлаш эвфемизм эмас, эвфемия саналади, эвфемияни юзага чиқарувчи тил бирлиги эвфемизм бўлади.

Хитойлик тадқиқотчиларнинг ишларида эвфемизмларга ўзига хос таърифлар берилган. Чунончи, Ван Сицзе (王希杰) «бирор нарсани тўғридан-

¹⁷ <https://www.zhonga.ru/russian-chinese/%D1%82%D1%83%D0%B0%D0%BB%D0%B5%D1%82/ysxkc>

¹⁸ Иқтибос ушбу манбадан олинди: Enright D.J. Fair of Speech: The Uses of Euphemism. – New York: Oxford University Press, 1985. – P. 13.

¹⁹ Howard P. The State of the Language. – New York: Oxford University Press, 1985. – P.101.

²⁰ Abrams M.H. A Glossary of Literary Terms. – New York: Harcourt Brace College Publishers, 1993. – P. 60.

²¹ Вандриес Ж. Язык. – М.: Гос. соц.-экон. изд-во, 1937. – С.206.

тўғри айтишни хоҳланмаганда, гапириб бўлмайдиган ҳолатларда уни буриб, айлантриб гапиришни эвфемизм»²², деб ҳисоблайди. У Цзячжэнь (吴家珍) эса «муайян тилда муайян тушунчалар очик айтилмайди, балки юмшатиб ифода этилади. Бундай ифодалаш стилистик услубда эвфемизм бўлади»²³ дейди. Жуанг Боронг (黄怕荣)га кўра, баъзан кишилар асл мақсадини айтмайдилар ва атайлаб эвфемизмдан фойдаланадилар. Мақсад тушунчани юмшатиш ва енгиллаштиришдан иборат²⁴. Ли Цзюньхуа (李军华) нинг фикрича, эвфемизмлар – тақикланган, айтилиши ножоиз, кўпол, одоб-ахлоқ меъёрларига зид ифодалар ўрнига юмшоқ, қулоққа хуш ёқадиган ҳамда у ёки бу сабабга кўра қўлланишли бўлган сўз ва иборалардир²⁵.

У Цзячжэнь (吴家珍)нинг кўпол тушунчани юмшатишни стилистикагагина хос дейишига ҳам тўлиқ кўшилиб бўлмайди, чунки эвфемия тилнинг бир бўлимига эмас, яхлит тил тизимига хос. Дастлабки икки тавсифдан ҳодиса – эвфемия ва тил бирлиги – эвфемизм фарқланмаганлиги аён бўлади. Берилган тавсиф эвфемия ҳодисасига тўғри келади, эвфемизмга эмас. Кейинги учта тавсифда эса тил бирлиги – эвфемизм тушунтирилган ва бу тўғридир.

Ўзбек тилшунослигида эвфемизмлар алоҳида диссертациялар ёки семасиологияга оид ишларда ўрганилган. Масалан, илк тадқиқот сифатида Н.Исматуллаевнинг номзодлик диссертациясини кўрсатиш мумкин. А.Омонтурдиевнинг тадқиқоти чорвадорлар нутқидаги эвфемизмларнинг тадқиқига бағишланиб, унда мол суякларини билдирувчи сўз қатнашган эвфемизмлар ҳам қамраб олинган. Кейинчалик муаллиф «Профессионал нутқ эвфемикаси», «Ўзбек эвфемик нутқи асослари» монографияларини ҳам эълон қилди. М.Миртожиевнинг «Ўзбек тили семасиология»сида эвфемизмларга семантик ҳодиса сифатида алоҳида тўхталинган. Олим эвфемизмга таъриф беришда «номлаш» сўзига таяниб иш кўради. Бу билан эвфемизмни қайта янги ном қўйиш деб тушунмаслик лозимлигини, балки тилда мавжуд ёқимли маъноли сўзга (маданий нутқ талабига фразеологизм, мақол, афоризм ҳам – Ш.Ш.) эвфемистик маъно бериб қўллашлигини, эвфемизмавжуд сўзга юкланган ҳосила маъно эканлигини, шу асосда эвфемия семантик ҳодиса бўлишини таъкидлайди.

Тилдаги ҳар бир ҳодиса ўзича юзага чиқмайди, бевосита воқеланмайди, уни юзага чиқарувчи омиллар, сабаблар ва ифодаловчи бирликлар бўлади. Эвфемизм ҳам эвфемия ҳодисаси воқеланишига хизмат қилувчи бирлик. Ўзбек тилида эвфемизмларнинг хитой тилидагидек кўриниши (бир товушдан иборат сўзнинг эвфемизм бўлиб келиши) учрамайди, қолаверса, ўзбек тилида битта товушнинг сўз бўлиб келиши жуда кам кузатилади. Хитой ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг иккинчи тури лексик воситалар, бир гуруҳ сўзлар турли нутқий ситуацияларда эвфемик вазифа бажариб келади. Лексик эвфемизмлар

²²王希杰, 汉语修辞学 (修订版) 北京: 商务印书馆, 2004.

²³吴家珍, 修辞与逻辑, 北京: 广播出版社, 1982.

²⁴黄伯荣, 廖序东, 现代汉语, 北京: 高等教育出版社, 2004.

²⁵李军华, 汉语委婉语研究, 北京: 中国社会科学出版社, 2010. – P. 10.

эвфемик вазифа бажариш учун ҳосил қилинмайди, балки нутқий вазиятга мос маъноси билан эвфемик вазифада қўлланади. Улар метафора, метонимия ва киноя ёрдамида ҳамшаклланади.

Ташқи кўриниш билан боғлиқ лексик эвфемизмлар борасида хитой ва ўзбек тилларида яқинлик кузатилади. Масалан, семизлик тўғридан-тўғри **肥胖** (семиз) сўзи билан айтилмайди, унинг ўрнида **富态** (ўнганган) ёки **丰满** (тўлишган) сўзлари қўлланади: *虽然现在贾玲长得比较富态, 不过深受网友喜爱的她最近被曝出, 年轻时原来也是一位美女, 对此, 贾玲机智回应称: »我深情地演绎了»* (*Гарчи Цзя Лин улгайиб анча тўлишган бўлса-да, лекин яқинда у интернетдаги дўстлари томонидан ёшлигида аслида ҳам гўзал бир қиз бўлганлиги фош қилинди*). Ўзбек лингвомаданиятида ҳам «семиз» тушунчаси юмшатилиб, бирмунча пардалаб ифодаланади: кишининг шундай сифати ифодаланганда очикдан-очик *семиз ёки семирган* эмас, *тўла, тўладан келган, тўлишган* дейилади: *Ойисини у эс-эс билади. ...Оппоқ, тўладан келган хотин эди ойиси* (Ў.Умарбеков. Бобоёнғоқ).

Хитой ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларнинг катта қисми фразеологизмлардир. Фразеологик эвфемизмларнинг келиб чиқиши сўз бирикмалари лексикализациясига бориб етади. Масалан, ҳозирги хитой тилида «эрга тегмоқ» тушунчаси **出门** (уйдан чиқмоқ) фразеологизми билан маданийлик талабига солинади. **结婚** (хотин олмоқ) ўрнида «бир умрлик иш, юмуш» маъносидаги **终身大事** эвфемик фразеологизм ишлатилади. Ушбу фразеологизмлар дастлаб бирикма бўлган, яъни *уйдан чиқмоқ, бир умрлик иш* синтактик тузилмалари ўз маъносида қўлланган. Бунда келиннинг туғилиб ўсган уйдан бошқа уйга чиқиб кетиши асосга олиниб, «турмушга чиқмоқ» маъносини ифодалай бошлаган. Мазкур фразеологизмни тил эгалари атайлаб эвфемик фразеологизм сифатида ясамаган, балки семантикасида «эрга тегмоқ» тушунчасини очик ифодаламаслик хусусияти борлиги сабабли тил эгалари нутқда ундан эвфемик мақсадда фойдаланишга ўтганлар.

Мазкур тилларда эвфемиклашувнинг яна бир ўхшаш томони бор. Биз ўхшаш эвфемиклашувнинг хитой тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам муайян тил бирлигини қарама-қарши маънода қўллаш билан эвфемик мазмун ифодаланиши мумкинлигини, эвфемик мазмунни киноя юзага чиқаришини аниқладик. Яъни сўзловчи маданий мулоқот талабига мос келмайдиган, қўпол туюлган тушунчани юмшатадиган, яшира оладиган сўз ёки фразеологизмни кинояли қўллайди, салбий оттенкани шу киноя юзага чиқаради.

В.Москвин псевдоэвфемия (ёлғон эвфемия), криптология, эзоп тили, дезинформация, образли ифодани эвфемияга ёндош ҳодисалар сифатида кўрсатган ²⁶. А.Омонтурдиев ва Х.Қодирова ҳам эвфемизмнинг лисоний табиатини тўлиқ тавсифлаш учун унинг ёндош ҳодисаларга муносабатини ўрганиш зарур, дейди.²⁷ Шу муносабат билан Х.Қодирова табу, қанотли сўзлар, парафраза, дисфемизм, жаргон, арготизм, вулгаризмларни келтиради ҳамда

²⁶ Москвин В.П. Эвфемизмы в лексической системе современного русского языка. – М., 2007.

²⁷ Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. – Т.: Фан, 2006. – Б. 47; Ботирова Х. Кўрсатилган диссертация. – Б. 46.

улар эвфемизм билан парадигматик муносабатда текширилгандагина эвфемизмнинг лисоний қиймати юзасидан хулосага келиш мумкинлигини айтади.²⁸ Биз ҳам буни маъқуллаймиз, бироқ саналганларнинг аксарияти доим ҳам ёндош ҳодиса бўлмайди. Ёндош ҳодиса мақомини олиш учун эвфемия сингари ёки унга қисман бўлса-да ўхшаш бўлиши, тушунчани юмшатиши керак. Аслида ишора қилиш семантикаси, ирония, нутқий энантиосемия эвфемияга ёндош ҳодисалардир.

Хусусан, энантиосемия нутқда ҳосил бўлганда баъзан эвфемик хусусият касб этади, яъни эвфемик усулда юзага чиқади. Масалан, Ё.Одиловнинг ёзишича, «Умри жонингизга худо барака берсин» деб у юзимдан, бу юзимдан ўпди. Ўпаётганда оғзимдан келган «муаттар» хиддан хиёл чимирилди-ю, сездирмади (Ў.Ҳошимов. «Аждар»нинг тавбаси) жумласидаги *муаттар* сўзи «сассиқ», «қўланса» деган маънони эвфемик йўл билан ифодалаган, унда ҳам эвфемия, ҳам зид маъно воқеланган. Бунда сўзловчи ўзининг салбий муносабатини билдиришда эвфемик йўлдан борган, яъни фикрини дағал шаклдаги *бадбўй* ёки *сассиқ* сўзи билан эмас, маданий мулоқот талабига мос *муаттар* сўзи орқали етказишни мақсад қилган²⁹.

Диссертациянинг 2-боби «Хитой ва ўзбек тилларида касб-кор, ўлим ва касаллик концептлари билан боғлиқ эвфемизмлар» деб номланган бўлиб, унда хитой ва ўзбек лингвомаданияти, касб-кор, ўлим ҳамда касаллик концептларига оидмаиший эвфемизмлар таҳлил қилинган.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятлари бир-биридан фарқ қилади, бироқ бу икки лингвомаданият ўртасида шарқона яқинлик ҳам бор. Биз буни биринчи бобда хитой ва ўзбек тилларида эвфемалаштирилган тушунчалардаги синонимлик мисолида кўриб ўтган эдик. Масалан, касб-кор билан боғлиқ тушунчаларнинг хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида эвфемалаштиришидаги ўхшашлик фикримизга далил бўлади.

Жамиятдаги ўзгаришларга мувофиқ лингвомаданий қарашлар ҳам ўзгаради. Лингвомаданий қарашларнинг ўзгариши айрим касбларнинг қайта эвфемик номланишида кузатилади. Масалан, хитой лингвомаданий муҳотида фаррошлик обрўли касб саналмайди. Киши касбини омма олдида тўғридан-тўғри фаррош дейиш фаррошни уялтириши мумкин. Айни сабаб билан хитой ва ўзбек тилларида бу касбни умумийроқ, яширинроқ ифодаловчи эвфемизмлар қўлланади. Умуман, бу тилларда кишиларнинг «ижтимоий-руҳий эҳтиёжини акс эттирадиган, одамларни руҳан химоя қиладиган»³⁰ эвфемизация шаклланган. Хитой лингвомаданиятида фаррош, супурувчи тушунчасини англатадиган 清洁工 (фаррош) бирлиги ўрнида 环卫工人 (атроф-муҳит тозалигига масъул ишчи) бирлиги, ўзбек лингвомаданиятида *техник ходим, ободошлаштириш ходими* сўзлари қўлланадиган бўлди. Кузатинг: *Энг паст ойлик олувчи техник ходимларни давлат унутгани йўқ*

²⁸ Кодирова Х. Кўрсатилган диссертация. – Б. 46-48.

²⁹Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия / Н.Маҳмудов, Ё.Одилов. Сўз маъно тараккиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Т.: Akademnashr, 2014. – Б. 53.

³⁰ Чжан Ч. Эвфемизмы в наименованиях профессий в русском и китайском языках // Грани познания. №5(10). 2010. – С. 2.

Қадимги ва ҳозирги фразеологизмлардан айримлари «ўлим» тушунчасини ифодалаши мумкин. Масалан: 行将就木 *xíng jiāng jiù mù* – «бир оёғини гўр тортиб қолмоқ», 寿终正寝 *shòu zhōng zhèng qǐn* – «ўз ажали билан ўлмоқ», 山高水低 *shāngāoshuǐdī* – «бевақт ўлим», 马革裹尸 *mǎgéguǒshī* – «шараф билан шаҳид кетмоқ», 自寻短见 *zìxúnduǎnjiàn* – «жонига қасд қилиш пайида бўлмоқ», 香消玉殒 *xiāngxiāo yùyǔn* – «хур кетмоқ» [СЭКЯ] кабилар. Уларнинг барчасида «ўлим» билан боғлиқ тушунчанинг образли ифодаси бор ва бундай образли ифода экспрессивликни таъминлайди. Бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам эвфемик ифода сезилмайди. Аксинча, 行将就木 *xíng jiāng jiù mù*, 寿终正寝 *shòu zhōng zhèng qǐn*, 自寻短见 *zìxúnduǎnjiàn* фразеологизмларида дисфемик хусусият кучли. «Хур кетмоқ» маъноли 香消玉殒 *xiāngxiāo yùyǔn*, «шараф билан шаҳид кетмоқ» маъноли 马革裹尸 *mǎgéguǒshī* фразеологизмларида эса эвфемик белги бор.

Ўзбек тилида «ўлади (ўлими яқин)» маъносини кўп фразеологизмлар билдиради: *умри битгандай, бир ҳафтага бормайди, вақти соати етибди, вақти яқин, тўрт беиш-кунлиги қолибди, ҳуфтонгача қолмайдиган кўринади* (бу индивидуал-муаллиф фразеологизми), *кўзидан нур сўнибди, кетар бўлибди, томоқдан қолибди, омонат бўлиб қолибди, ҳаётга қайтмайди, нариги томоннинг шарпаси тушиб қолибди*³³ ва ҳ.к. Мазкур фразеологизмларни А.Омонтурдиев *ўлади (ўлими яқин)* сўзи ўрнида қўлланиладиган эвфемик синонимлар ҳисоблайди. Бизнингча ҳам, улар эвфемик характерлидир, чунки айна фразеологизмлар ўрнида *ўлими яқин, ўлади* дейиш билан ифода дисфемиклашуви юз беради. Шунингдек, «ўлим олдида ётмоқ» деган нохуш тушунча *огирлашиб қолмоқ, ўсал бўлмоқ, ўсал ётмоқ* эвфемик иборалари билан етказилади.

Ўлим билан боғлиқ ассоциация кўринишлари ҳар бир тилда бор. Эвфемизмлар ҳам қатор маъно хусусиятларига эга бўлиб, ассоциациялашган гуруҳларни ҳосил қилади. Масалан, «ўлим – дам олиш», «ўлим – сафар» каби.

«Ўлим – дам олиш» ассоциацияси. Маълумки, ўлимдан кейин барча мавжудот ҳаракатдан тўхтайдди, тин олади. Ана шу жиҳат асосга олингани учун *дам, ҳордиқ* сўзлари кўпинча ўлим тушунчаси билан ассоциатив муносабатга киришади³⁴. Хитой лингвомаданиятида *дам олмоқ* ифодаси *ўлим* сўзи асосида бир бутун тизимни ҳосил қилади: 休息 *xiūxi* – «ҳордиқ», 安息 *ānxi* – «абдий ҳордиқ», 令其休息 *lìngqíxiūxi* – «дам берилди», 安眠 *ānyǎn* – «тин олмоқ», 在亚伯拉罕的怀里休息 *zài yàbó lāhānde huáilǐ xiūxi* – «Иброҳимнинг қароргоҳида дам олади» ва ҳ.к.

Ўзбек лингвомаданиятида «ўлим – дам олиш» ассоциатив қаторини ҳосил қилишда хитой тилидагидек *дам олмоқ* ифодаси бевосита иштирок этмаса-да, у ифодалаган маъно *уйқу, тинчимоқ, кўз юммоқ, бош қўймоқ* ифодалари орқали англашилади. Масалан: *Кўнгли таскин топган ота тинчгина мангу уйқуга кетмоқда эди...* (Асад Асил. Охирги илинж); *Остонага бош қўйганича абдий*

³³ Омонтурдиев А. Кўрсатилган диссертация, 1997. – Б. 148-149.

³⁴ 邵军航. 汉语委婉语研究, 上海, 2010 年.

уйқуга кетган ёш жувоннинг тепасида олти яшар ўғилчаси Хисрав йиғлаб турарди (П.Қодиров. Авлодлар довои).

«Ўлим – сафар» ассоциацияси хитой тилида саёҳат маъносидаги, ўзбек тилида сафар маъносидаги сўзлар билан намоён бўлади. Масалан: 单程旅行 dānchénglǚxíng – «ёлғиз саёҳатга чикди»; 购买单程车票 gòumǎi dān chéng chē piào – «ёлғиз саёҳат билетини сотиб олди», 驾鹤西游 – «турнага ўтириб, Фарбга саёҳат қилиш»; 远行 – «узок саёҳат». *Рисолат хола уч ой ажал билан курашиб, ахири бўлмагач, ... сафар қилди* («Саодат» журнали, 1996, №3); *Ҳа, сўнгсиз сафарга кетдингиз, дўстим* (А.Орипов. Ёднома).

Ўлим билан боғлиқ эвфемизмларнинг қўлланилишида иерархиянинг борлиги аслида кундалик ижтимоий муносабатларнинг иерархиклигидандир. Бунда кишининг ёши, мансаби, жинси ва ўлимнинг тури асосий омил ҳисобланади. Хитой ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг қўлланиш иерархиясига кўра қуйидаги турлари бор: 1) мансабдор ва катта ёшли кишиларга нисбатан; 2) оддий одамларга нисбатан; 3) болалар ва ёшларга нисбатан; 4) ҳаётдан бевақт ўтганларга нисбатан; 5) ҳалок бўлганларга нисбатан; 6) аёлларга нисбатан.

Тил тараққиёти давомида унда касаллик концепти билан боғлиқ эвфемизмларнинг яхлит тизими вужудга келади, хитой ва ўзбек тиллари ҳам бундан мустасно эмас. Бу тилларда касаллик концепти билан боғлиқ эвфемизмлар ўзи ифодалайдиган тушунчадаги ёқимсиз таассурот, салбий коннотацияни юмшатишга, хатар оттенкасини яширишга хизмат қилади.

Хитой тилида *касаллик* 疾恙 jíyàng дейилади ва хитойликлар касалликни, кўпинча, «ўзини ноқулай ҳис этиш» деб қабул қилишади. Шу билан бирга, бу тилда касаллик билан боғлиқ тушунчаларни кўплаб эвфемик воситалардан фойдаланиб атайдилар. Масалан: 不适 wùshì – «танада кичик оғриқлар бор», 略感不 lüègǎnbúshì – «бироз ноқулайлик» (сал, бироз, мазаси қочмоқ), 微恙 wēi yàng – «мазаси йўқ» (одатда, бошқалар аҳвол сўраганда жавоб тарзида қўлланади), 微 wēi – «бироз тоби йўқ», 偶染微恙 ǒurǎnwēiyàng – «ора-чора тоби қочмоқ», 欠安 qiǎn'ān – «(сал, бироз) мазаси бўлмаслик», «беҳаловат бўлмоқ», 失调 shītiáo – «бутун вужуди оғримоқ», 虚弱 xūruò – «заифлашиб қолмоқ», 症候 zhènghòu – «беморда кузатиладиган касаллик белгилари», 内伤 nèi shāng – «тана ички аъзоларининг зарарланиши», 外伤 wài shāng – «тана ташқи аъзоларининг зарарланиши», 感觉差 gǎnjué chà – «ўзини ёмон ҳис қилиш», 有麻烦 yǒu máfan – «бетоб бўлиш, мушкул аҳволда қолиш» кабилар. Эътибор қилинса, келтирилганларнинг аксарияти эвфемик хусусиятли бўлиб, у ёки бу даражада «касал», «касал бўлиб қолган», «аҳволи оғир» тушунчаларини юмшата олган.

Ўзбек тилида *касал бўлмоқ*қа нисбатан *тоби қочмоқ, мазаси қочмоқ, оғриб қолмоқ, нотоб бўлиб қолмоқ, дарди тутиб қолмоқ, шамоллаб қолмоқ*; «касал» тушунчаси эса *мазаси йўқ, соғлиги ёмон, соғлиги яхши эмас, аҳволи яхши эмас, тоби йўқ* каби эвфемистик воситалар қўлланилади. Масалан: *Қадоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди* (Абдулла Қаҳҳор. Томошабоғ); – *Нега? Вақт ажратолмайдими? – Бироз мазаси йўқ... Соғайиб кетса, кейин ўйлашиб*

кўрамиз... (Хуршид Дўстмухаммад. Куза...); *Сотиболдининг хотини оғриб қолди* (Абдулла Қаҳҳор. Бемор).

Ҳозирги кунда дунё тилларининг аксарида касаллик ўлим билан тугаётганда умумий ишлатилаётган эвфемизмлардан бири шифокорлар нутқида жуда ўхшашдир. Кузатишлардан маълум бўлдики, хитойлик докторлар нутқида ҳам 病人死了 bìng rén sǐ le –*бемор ўлди* дейиш ўрнига 失去病人了 shī qù bìng rén le –*беморни йўқотяпмиз*, 无法救治 wú fǎ jiù zhì *беморни даволаб бўлмади* ўрнида 不行了 bù xíng le – *беморнинг аҳволига ишониб бўлмайди* тарзидаги эвфемизмлар бор. Ёки 与世长辞 yǔ shì cháng cí yǔ – *уйғонмайдиган бўлиб ухлади*, 长眠 cháng mián – *абадий уйқуга кетди* сингари эвфемизмлар³⁵. Ўзбек шифокорлари нутқида ҳам очикдан-очик *бемор ўляпти*, *бемор ўлди* дейиш ўрнига *беморни йўқотяпмиз*, *беморни сақлаб қололмадик* каби эвфемизмлар қўлланади. Масалан: *Оғир аҳволда шифохонага тушган беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш* имкони бўлмади (<https://xabar.uz/koronavirus/ogir-ahvolda-shifoxonaga-tushgan>).

Бу эвфемизмлар кейинроқ пайдо бўлди.

Аксар лингвомаданиятларда бўлганидек, хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида ҳам ёмон касалликларнинг номини айтиш табуланган. Бу халқлар вакиллари нохуш тассурот қолдирадиган касалликларни бирмунча юмшатишган, хатар оттенкаси пардаланган эвфемизмлар билан алмаштирганлар. Бундан мақсад дастлаб табуланган тушунчани алмаштириш бўлган, кейинроқ ёмон касалликлар номини айтиш маданийлик талабига зид деб тушунила бошлаган, шундай нутқий маданият шаклланган. Хитой ва ўзбек тилларида: 1) хавфли касаллик; 2) рухий касаллик; 3) тери-таносил касалликлари; 4) ички касалликларни ифодаладиган маиший эвфемизмлар мавжуд.

Ҳозирги кунда хавфли касалликлардан бири *саратон*дир. Хитой тили соҳиблари бу касалликни очик айтишдан тийиладилар. Хитой лингвомаданиятида *саратон* касаллиги, кўпинча, «шишиш», «янги ҳужайра» ёки «бирор нарса ўсди» деб таъбирланади. Масалан, 生长物 shēng cháng wù – «тана шишишидан азобланиш, ўсимтанинг пайдо бўлиши»; 大写字母 C dàxiě zìmǔ C – рак касаллиги билан касалланишнинг юмшоқ ифодаланиши, С.А. *рак* сўзининг Ғарбдаги аббревиатураси; 最后一场疾病 zuìhòu yī chǎng jíbìng – (ўхшатиш) давоси йўқ хасталикларнинг эвфемик ифодаси, сўзма-сўз таржимаси – «энг охирги касаллик». Ёки рак ўсимтасининг пайдо бўлишига 生长物 shēngzhǎngwù дейилади.

Ўзбек тили эгалари ҳам ушбу касалликнинг юмшатишган ёки яширилган бошқа номларини ўйлаб топганлар ёхуд тилимиздаги мавжуд сўзга навбатдаги ҳосила маъноси сифатида бириктирганлар. Масалан, ўзбек тилида дастлаб бу касалликни очик айтиш кишига нохуш таъсир қилгани сабабли *ўсма*, *ўсимта*, *саратон* дейила бошлаган ва бу билан имкон қадар эвфемиклашув таъминланган. Бироқ вақт ўтиши натижасида ўзбек халқи вакиллари учун

³⁵ <https://cyberleninka.ru/article/n/funktsionirovanie-evfemizmov-kitayskogo-yazyka-v-zerkale-russkogo-yazyka-na-materiale-tematicheskoy-gruppy-smert/viewer>

